

тининг мавжуд тизимини тубдан қайта модернизация қилиш талаб этилади. Сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари молиявий фолиятинг зарар кўриб ишлаши кўп жиҳатдан газ, электр энергияси, харид қилинадиган иссиқлик энергияси ва бошқа материаллар нархи ошганда тариф сиёсати ўз вақтида қайта кўрилмас-ли-

ги билан боғлиқ. Шу боис қўрсатиладиган сув ва иссиқлик таъминоти хизматлари нархи ва таърифларини давлат тамонидан тартибга солишини изчил амалга ошириш, хусусан, энергия ресурслари нархи ўзгарганда совук ва иссиқ сув таъминоти, иситиш тарифларини қайта кўриб чиқиш зарур.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони // www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://iza.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4040-сонли қарори // www.lex.uz
4. Егорова Н.С. Моделирование инвестиционной деятельности в жилищном секторе. – М., Издательство МГУ 2017. – 128 с.
5. Алексеев, Ю.П. Социальная политика: учебник / Алексеев, Ю.П., Берестова, А.И., Бобков, В.Н. и др.; – 2-е изд. – М., Экзамен, 2014. – 416 с.
6. Социальная инфраструктура: вопросы теории и практики (Под ред. А.И. Кочерги. – Киев: Наукова думка, 2010. – 468 с.
7. Павел Красильников, Мария Конюшкова, Ronald Vargas лар муаллифлигига "Ўрта Осиё мамлакатларида ер ресурслари ва озиқ-овқат хавфсизлиги" Euroasian Center for Food Security, 2016 йил 302б.
8. М.У. Мирзаев, Да.А. Абдуганиеваларнинг "Сув ресурсларидан фойдаланишида тежкамкор технологияларнинг самарадорлиги" Т.: 2021 йил 18 май. 248 б.
9. Т.Х. Фарманов, Ф.М. Юсуповаларнинг "Сув тежсовчи технологиялар ишлаб чиқарилишини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш" Т.: 2021 йил 18 май. 519 б.
10. www.stat.uz-Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
11. Ш. Юлдошева. "Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистонда уй-жой сиёсатининг аҳамияти" 2021 йил 21 май
12. Ш.Туробов, Р.Рашидов. "Уй хўжаликлари тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари". Т.: 2015 й.
13. Эрназаров Г.Б. ва бошқалар. Миллий иқтисодиётдаги марқибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг тизимили таҳлили. Монография. – Т.:ДСҚ босмахонаси, 2018.-111-128 б.
14. Эрназаров Г.Б. Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик баҳолаш. – Т.: // Biznes-Эксперт журнали, 2021, №2. 45–49 б.
15. www.gorogl.gomel.bu – Уй-жой коммунал хўжалиги сайти.

СПОРТ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИННИГ ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Закирова Умида Махамадаминовна -
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, "Спорт менежменти ва иқтисодиёт" кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мазқур мақолада хизматларнинг табиати, моҳияти ва асосий тавсифномалари, шунингдек, хизматлар соҳасининг, шу жумладан, спорт хизматларининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Хизматлар соҳасининг замонавиий иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти очиб берилган.

Таянч сўзлар: спорт, спорт хизматлари, хизматлар, хизматлар соҳаси, хизматлар тавсифномаси, хизматларни турлари, хизматларни ўзига хос хусусиятлари, хизматлар бозори.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СПОРТИВНЫХ УСЛУГ В СОВРЕМЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ

Закирова Умида Махамадаминовна -
Преподаватель кафедры "Спортивный менеджмент и экономика" Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Аннотация. В данной статье рассматриваются природа, сущность и основные характеристики услуг, а также особенности сферы услуг, в том числе спортивных услуг. Показаны роль и значение сферы услуг в современной экономике.

Ключевые слова: спорт, спортивные услуги, услуги, сфера услуг, характеристики услуг, классификация услуг, особенности услуг, рынок услуг.

THE ROLE AND IMPORTANCE OF SPORTING SERVICES IN THE CONTEMPORARY ECONOMY

Zakirova Umida Mahamadaminovna -

Lecturer of the Department of "Sports Management and Economics" of the Uzbek State University of Physical Culture and Sports

Abstract. This article examines the nature, essence and main characteristics of services, as well as features of the service sector, including sports services. The role and importance of the service sector in the modern economy are shown.

Key words: sport, sports services, services, service sector, service characteristics, service classification, service features, service market.

Кириш. Ўзбекистонда охирги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд.

Мамлакатимизда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш жараённига инновацион шакллар ва усуллар жорий этилмоқда.

Спорт - бу мураккаб, турли-туман ва завқли феномен (тенги йўқ, нодир ҳодиса) бўлиб, унга миллионлаб кишилар ва ташкилотлар спортчилар, тадбиркорлар, журналистлар, рекламалар, давлат ташкилотлари, нотижорат ташкилотлар, спорт ташкилотлари ва муассасалари, спорт ва фитнес-клублари ҳамда бошқалар ва ниҳоят томошабинлар ҳамда ишқибозлар (мухлислар) жалб қилингандир.

Спорт иқтисодиёти мутахассисларининг фикрича, спорт натижаларини олдиндан башорат қилиб бўлмаслик, уни ёқимли, яъни жозибали бўлишига олиб келади. Бу эса, тамошабинлар ва ишқибозларни ҳаяжонга солиб, уларга роҳат баҳш этади.

Спорт ташкилотлари ва муассасалари моддий маҳсулотлар ишлаб чиқармайдилар, улар мусобақа ёки ўйинлар орқали хизмат кўрсатадилар [7].

Спорт соҳаси мамлакатимизда ва Жаҳон савдо ташкилоти классификацияси бўйича ҳам хизмат кўрсатиш соҳасига киритилганлиги са-

бабли, ушбу мақолада хизматлар соҳасининг замонавий иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти масалалари кенг ёритилган. Зоро, хизматлар соҳасининг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини чуқур билмасдан, мамлакатимизнинг спорт ташкилотлари ҳамда муассасалари фаолиятида учрайдиган муаммоларни самарали очиб бўлмайди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан мазкур соҳа ЯИМнинг шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг ҳаёт фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишни кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди. Мурожаатномада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқлари қатори, хизматлар соҳасида ҳам амалга оширилаётган муҳим ислоҳотлар, эришилаётган натижалар ва олдимиизда турган устувор вазифалар чуқур таҳлил этилди [2].

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қўйида-гиларни таъкидлади. “Спорт шу мақсадда барча шаҳар ва туманларда оммавий спортни ривожлантиришга, жумладан, спорт майдончалари, пиёдалар ва велосипедчилар учун йўлаклар, экопарклар, таълим даргоҳларидағи спорт залларидан иборат спорт инфраструктурунин яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш учун спорт мактабларини кўпайтирамиз ва янги спорт обьектларини барпо этамиз. Бу борада Олимпия ўйинларига киритилган ҳар бир спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилади”[3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хизматларнинг табиати, моҳияти ва асосий тавсиф-

номалари, шунингдек, хизматлар соҳасининг, шу жумладан, спорт хизматларининг ўзига хос хусусиятлари, роли ҳамда аҳамияти масалалари га жаҳон ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг асарларида кенг эътибор қаратилган.

Биринчи маротаба, хизматни физик товардан асосий жиҳатлари бўйича фарқланиши ни 1980 – йилда Леонард Берри томонидан берилди: унга кўра, физик товар – бу предмет, ускуна, жиҳоз ёки нарсадир, хизмат эса иш, ҳаракат, зўр бериш, тиришиш ёки бажариш ҳамда ижро этишdir[4].

Ҳозирги даврнинг адабиётларида хизматлар соҳаси тушунчаси ҳақида ягона бир фикр ёки ёндашув йўқдир. Бу хизматлар соҳаси тушунчасини ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлардан иборатdir. Айрим адабиётларда учрайдиган қўйидаги тушунчалар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Россиялик иқтисодчи олимлар С.Н.Диянова ва А.Э.Штезелларнинг таъкидлашича, хизматлар соҳаси - бу корхоналар, ташкилотлар ва шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли ҳилдаги хизмат турларини қайта ишлаб чиқаришни ўз ичига олган жамланма категориядир [5].

Буюк Британиялик иқтисодчи олимлар Джон Бич ва Саймон Чедвикларнинг таъкидлашича, спорт ташкилотлари ва муассасалари моддий маҳсулотлар ишлаб чиқармайдилар, улар мусобақа ёки ўйинлар орқали хизмат кўрсатадилар[7].

Россиялик иқтисодчи олим А.В.Лукинанинг фикрича, хизматлар - бу корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахслар томонидан иккинчи томонга кўрсатиладиган фаолият тури бўлиб, у мижознинг мулкига айланмайди. Хизматларга – моддий бойлик яратилмайдиган (айрим хизмат турларидан ташқари), фойдали фаолиятнинг барча турлари киради [6].

Ўзбекистонда хизматлар соҳаси ва хизматлар маркетинги масалалари М.Юсупов, Ш.Дж.Эргашходжаева, Д.М.Усмонова, У.М.Закирова ва бошқалар томонидан ўрганилган [9].

Шунингдек, хизматлар соҳаси, хизматлар маркетингининг шаклланиш тарихи ва унинг ҳалқаро моделлари иқтисодчи олим М.Юсуповнинг дарслигига батафсил баён қилинган [8].

Юқорида келтирилган хизматлар соҳасининг барча таърифлари, у ёки бу даражада инсонларнинг ҳаёт фаолиятини барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур илмий тадқиқотни амалга оширишда спорт хизматлари соҳасининг замонавий иқтисодиётидаги роли ва аҳамиятини аниқлаш борасидаги жаҳон ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини ўрганиш,

қиёсий таққослаш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Хизматлар соҳаси бугунги кунда мураккаб, кўпқиррали механизм бўлиб, лекин замонавий иқтисодиётимизнинг энг истиқболли ва тез ривожланётган тармоғи ҳисобланиб, у ўз ичига савдодан тортиб транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, таълим, фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, спорт, майший ва коммунал хизматлар, техник хизматлар, банк-молия, суғурта, туризм, аудиторлик-консалтинг хизматлари, меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, телевидение, радио, кино театрлар, музейлар каби кенг фаолиятни олади.

Ривожланган мамлакатларнинг амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқаришни мураккаблашуви ва бозорни техник жиҳатдан мураккаб бўлган товарлар билан тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам хизматларни турли янги ҳиллари пайдо бўлиши натижасида хизматлар соҳаси, ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз миллий иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг ярмидан ортифи шу соҳада меҳнат қилмоқда. Ҳар йилги янги яратилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан ортифи ҳам шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хизмат – бу корхоналар ва айрим шахслар томонидан, айнан шундай иккинчи томонга кўрсатиладиган фаолият тури бўлиб, уни ушлаб, кўриб бўлмайди ҳамда у мижознинг мулкига айланмайди. Хизматни кўрсатиш натижасида, физик маҳсулот яратилиши ва яратилмаслиги ҳам мумкин. Хизмат инсонлар ва асбоб-ускуна ёрдамида кўрсатилиши мумкин; мижознинг иштирокида ва иштирокисиз кўрсатилади; шахсий ёки корхоналар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиши мумкин; тижорат ва нотижорат характерга эга бўлиши ҳамда хусусий ва жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Бироқ, ҳар қандай хизматлар, корхонанинг маркетинг фаолиятига кучли таъсир этадиган куйидаги тўртта ўзига хос хусусиятларга эгадир: кўриб ва ушлаб бўлмаслик, ишлаб чиқаришни ва истеъмолни бир-биридан ажратиб бўлмаслик, сифатини тез-тез ўзгариб туриши ва сақлаб бўлмаслик.

Хизматлар иқтисодиёт тармоқларининг тез ривожланётган энг истиқболли соҳаларидан бири ҳисобланади. У фаолиятнинг кенг қамровли соҳаларига эга, яъни саводдан ва транс-

портдан молиягача, сүгуртадан ва турли ҳил воситачиликлардан иборат. Мехмонхоналар ва ресторанлар, киришиш корхоналари ва сартошоналар, ўкув ва спорт муассасалари, банк ва молия муассасалари, санаториялар, туристик фирмалар, алоқа ва ахборотлаштириш, интернет хизматлари, радио ва телестанциялар, маслаҳат фирмалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, музейлар, кино ва театрлар ва бошқалар хизматлар соҳасига киради. Амалиётда деярли барча корхона ва ташкилотлар, у ёки бу дара жада хизматлар кўрсатади.

Ривожланган мамлакатларнинг амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқаришни мураккаблашуви ҳамда бозорни товарлар билан тўлдириш натижасида хизматларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам хизматларни турли янги ҳиллари пайдо бўлиши натижасида хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбай ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан мазкур соҳа ЯИМни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг ҳаёт фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

Бунга мисол қилиб, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг сўнгги йилларда тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигини кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ярмидан ортиғи хизмат соҳасида меҳнат қилмоқда. Ҳар йилги янги яратилётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан ортиғи шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда кўрсатилаётган хизматлар таркиби ўзгариб бормоқда, яъни мобил алоқа, юқори тезлиқда ишлайдиган интернет, масофавий таълим хизматлари, масофавий банк хизматлари, кабелли телевизион алоқа, электрон хизмат кўрсатиш, электрон ҳукумат, электрон тижорат, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари тез ривожланмоқда.

Иқтисодиётни технологик прогресс асосида ривожланиши сервис хизматларини ўсишига объектив равишда имкон яратмоқда. Ҳар қандай физик товар, айниқса юқори технологик ва узоқ муддатда фойдаланиладиган, хизматларга бўлган эҳтиёжни вужудга келтиради. Жиҳозларни характерига боғлик равишда, хизматларга бўлган эҳтиёж қуидагиларни ўз ичига олади:

- транспортировка қилиш ва омборда сақлашни;

- ўрнатиш ва монтаж қилишни;

- қуйиши;

- техник хизмат кўрсатиши;

- тозалашни;

- экологик утилизация қилишни.


Бугунги кунга келиб, хизматлар соҳасини жуда ривожланиб кетганлигига қарамай, хизмат тушунчasi ҳақида ягона бир ёндашув йўқдир. Хизмат кўрсатиш орқали бирон бир нарса яратилмайди, яъни хизмат орқали фаолият кўрсатилади. Хизматларга кўпинча фойдали фаолиятнинг барча турлари киритилади. Хизмат бу хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчини бевосита ўзаро фаолиятининг натижасидир, шунингдек, хизмат кўрсатувчими истеъмолчи эҳтиёжини қондириш бўйича фаолиятидир.

Хизматлар бозори икки сабабаларга кўра бошқа бозорларга умуман ўҳшамайди. Биринчидан, хизматлар то у кўрсатилмагунча мавжуд бўлмайди. Бу эса уни кўрсатилмагунча таққослашни ва баҳолашни амалга ошириб бўлмаслигини билдиради. Фақат кутилаётган фойда ва ҳақиқатда олинган натижаларни таққослаш мумкин.

Иккинчидан, хизматларга юқори даражадаги мавхумлик тегишилдири, бу эса мижозни ноқулай холатга тушуради, хизматни кўрсатувчилар эса ўз хизматларини бозорга йўналтиришда қийналади.

Хизматлар бозорини ушбу ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, уларни кўриб бўлмаслик, ушлаб бўлмаслик, сақлаб бўлмаслик, сифатини тез-тез ўзгариб туриши ишлаб чиқаришни ва истеъмолни бир-биридан ажратиб бўлмаслик хизматлар маркетингин ўзига хос хусусиятларини аниқлаб беради (1-расм).


Хизматларни ўзига хос хусусиятлари



1-расм. Хизматларни ўзига хос хусусиятлари таснифи

ХИЗМАТ КҮРСАТИШ

Товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилишни ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиши нуқтаи назаридан, уларни ўзаро фарқланиши қуйидаги 2 – расмда кўрсатилган.



2 – расм. Товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилишни ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиши.

Ушбу 2 – расмдан шундай хуносага келиш мумкин, яъни товар аввал ишлаб чиқилади, сўнг сақланиб сотилади ва истеъмол қилинади.

Хизмат истеъмолчига (харидорга) фаолият орқали берилади, товар эса қўлдан – қўлга ўтказиш орқали берилади.

Биринчи маротаба, хизматни физик товардан асосий жиҳатлари бўйича фарқланишини 1980 – йилда Леонард Берри томонидан берилди: унга кўра, физик товар – бу предмет, ускуна, жиҳоз ёки нарсадир, хизмат эса иш, ҳаракат, зўр бериш, тиришиш ёки бажариш ҳамда ижро этишдир[4].

Хизматлар бозори – бу ноишлаб чиқариш соҳаси корхоналари меҳнати натижаси бўлиб, у хизматларни айирбошлиш соҳасидир.

Ҳозирги даврнинг адабиётларида хизматлар соҳаси тушунчаси ҳақида ягона бир фикр ёки ёндашув йўқдир. Бу хизматлар соҳаси тушунчасини ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлардан иборатdir. Айрим адабиётларда учрайдиган қуйидаги тушунчалар ҳақида тўхталиб ўтамиш.

Хизматлар соҳаси – бу корхоналар, ташкилотлар ва шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли ҳилдаги хизмат турларини қайта ишлаб чиқаришни ўз ичига олган жамланма категорияидir.

Хизматлар соҳаси – бу жами кўп турдаги хизматларни ишлаб чиқариш билан банд бўлган, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фаолият турлари мажмуидир.

Хизматлар соҳаси – бу инсонларга маҳсулотларни истеъмол қиймати орқали қулайдик яратиш билан таърифланадиган, иқтисодиёт тармоқлари тизимиdir. Моддий ишлаб чиқа-

лиқ бўлиши нуқтаи назаридан, уларни ўзаро фарқланиши қуйидаги 2 – расмда кўрсатилган.

риш хизматлари соҳаси (транспорт, алоқа, маший хизмат кўрсатиш); маънавий ҳаёт хизматлари соҳаси (таълим, жисмоний маданият ва спорт, фан, санъат); ижтимоий соҳа хизматлари соҳаси (савдо, уй-коммунал хизматларини кўрсатиш, соғлиқни сақлаш) [5].

Хизмат кўрсатиш соҳаси – бу маҳсулотлари хизмат кўринишида бўлган, хўжалик тармоқларининг йиғиндицидир.

Хизматлар соҳаси – бу хизматларни кўрсатувчи иқтисодиётнинг секторидир.

Юқорида келтирилган хизматлар соҳасининг барча таърифлари, у ёки бу даражада инсонларнинг ҳаёт фаолиятини барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Хизматлар соҳаларини иқтисодий ва ижтимоий функцияларни бажаришга қараб ажратиш мумкин.

Иқтисодий функциялари:

- моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш;
- ишчи кучини қайта ишлаб чиқиш;
- қўшимча моддий бойликларни вужудга келтириш.

Ижтимоий функциялари:

- аҳолининг турли ҳилдаги хизмат кўрсатишларга бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- уй хўжаликлиридаги харажатларни камайтириш ва меҳнат шароитларини яхшилашни таъминлаш;

- озод бўлаётган бўш вақтлардан унумли фойдаланиш;

- жамоат тартибини қўриқлаш, давлатни нормал ривожланишини ва хавфсизлигини таъминлаш.

Ўзбекистонда хизматлар соҳасини ривожланишига ижобий ва салбий омиллар таъсир этмоқда.

Ижобий омилларга: хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналари ва ташкилотлари сонини ортиши; маҳаллий хизмат бозорларида хорижий рақобатчиларни пайдо бўлиши; иқтисодиётни кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобига нодавлат секторини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Салбий омилларга: хизматлар соҳаси корхоналари ўртасида рақобатни қучли эмаслиги; давлат секторидаги хизмат кўрсатиш корхоналарини тез ўзгараётган аҳоли талабига суст эътибор бериши; хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини белгилайдиган норматив ҳуқуқий хужжатлардаги камчиликлар ва бошқалар.

Хизматлар турининг жуда кўплиги ва ҳилма-ҳиллиги сабабли, уларни айрим белгиларига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- истеъмол қилиш тури бўйича: шахсий эҳтиёж-ларни қондириш бўйича якка тартибдаги хизматлар ва бизнес эҳтиёжларини қондириш бўйича ишбилармонлик хизматлари;
- ҳарид қилиш мотивларига боғлиқлик бўйича: масалан, сифат, қулайлик, вақтни тежаш, пулни тежаш ва бошқалар;
- хизматни кўрсатувчи ташкилот турига боғлиқлик бўйича: масалан, давлат, шахсий, тижорат ва бошқалар;

• кўрсатилаётган хизматларни малакасига боғлиқлик бўйича: масалан, биноларни тозалаш бўйича паст малакали хизматлар ва юристлар, бухгалтерлар, маркетологлар ва бошқаларнинг юқори малакали хизматлари;

• ассоблар ва қўл меҳнатидан фойдаланиш бўйича: масалан, автомобилларни автоматик равишда ва қўлда ювиш;

• мижозни иштироки бўйича: масалан, беморни операция қилиш унинг иштирокини талаб этади, телевизорни таъмирлаш эса, йўқ;

• истеъмолчи билан бўладиган алоқани маълум вақт давом этишлиги бўйича (доимий ва узулувчан): масалан, малака ошириш курслари – бу дискрет (вақти-вақти) истеъмолчи билан бўладиган алоқа, телефон алоқалари ёки интернет провайдерлари хизматлари доимий муносабатларни талаб этади.

Хулоса ва таклифлар. Спорт хизматлари соҳасининг замонавий иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини тадқиқ этиш натижасида қўйидаги хулосаларга келинди:

Хизмат - бу бир томон иккинчи томонга таклиф этадиган фойдали фаолиятдир. У нарса кўринишида бўлмайди, сотиб олиниши натижасида эса шахсий мулкка айланмайди, деб ҳисоблаймиз.

Хизматларнинг турларига қўйидагилар киради: меҳмонхоналар, ижтимоий хизматлар, ахборот хизматлари, дам олиш ва туризм соҳаси, майший хизматлар, савдо ва умумий овқатланиш, автосервис, соғлиқни сақлаш хизматлари, молия хизматлари, юридик хизматлари, таълим хизматлари, таъмирлаш хизматлари, кино ва театрлар, транспорт ва бошқа хизматлар.

Демак, хизмат – бу корхоналар ва айрим шахслар томонидан, айнан шундай иккинчи томонга кўрсатиладиган фаолият тури бўлиб, уни ушлаб, кўриб бўлмайди ҳамда у мижознинг мулкига айланмайди. Хизматни кўрсатиш натижасида, физик маҳсулот яратилиши ва яратилмаслиги ҳам мумкин. Хизмат инсонлар ва асбобускуна ёрдамида кўрсатилиши мумкин; мижознинг иштирокида ва иштирокисиз кўрсатилади; шахсий ёки корхоналар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиши мумкин; тижорат ва нотижорат характерга эга бўлиши ҳамда хусусий ва жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Бироқ, ҳар қандай хизматлар, корхонанинг маркетинг фаолиятига қучли таъсир этадиган қўйидаги тўртта ўзига хос хусусиятларга эгадир, яъни кўриб ва ушлаб бўлмаслиқ, ишлаб чиқаришни ва истеъмолни бир-биридан ажратиб бўлмаслиқ, сифатини тез-тез ўзгариб туриши ва сақлаб бўлмаслиқдир.

Хизматлар бозори – бу ноишлаб чиқариш соҳаси корхоналари меҳнати натижаси бўлиб, у хизматларни айирбошлаш соҳасидир.

Спорт ташкилотлари ва муассасалари моддий маҳсулотлар ишлаб чиқармайдилар, улар мусобақа ёки ўйинлар орқали хизмат кўрсатадилар, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, барчасининг мазмуни, умуман олганда, Жисмоний тарбия ва спорт тизимида ги харидор ва истеъмол соҳасини комплекс тадқиқот қилишга мақсадга мувофиқдир.

Рақобат кураши шароитида, жисмоний тарбия ва спорт тизимида ги спорт турлари бўйича Федерациялар (уюшмалар)нинг фаолияти, спорт ташкилотлари ва муассасалари, жисмоний тарбия – соғломлаштириш, спорт иншоотлари ҳамда муассасаларининг фаолияти самардорлигини янада ошириш учун, уларнинг бошқарув тузимига маркетинг фаолиятини татбиқ этиш тавсия этилади. Мамлакатимизда спорт хизматлари соҳасини янада ривожлантириш учун илғор хорижий тажрибаларни миллий спорт соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ва махаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда татбиқ этиш зарур.

Юқоридаги келтирилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, уни янада ривожлантириш, аҳоли ўрта-

сида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз худудларида 2026 йилнинг якунига қадар сервис соҳалари, шу жумладан, спорт

соҳаси кўламини кенгайтириш орқали хизмат кўрсатиш хажми уч баробар оширилади ва бунинг эвазига 3,5 миллионта янги иш ўрни яратилади [1].

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеевнинг сайлов олди дастури. Янги Ўзбекистон стратегияси. XXI asr, 2121 йил 30 сентябрь, №38.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь, № 276.
3. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом этитирамиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2021 йил 7 ноябрь, №238.
4. Дианова С.Н., Штезель А.Э. Маркетинг сферы услуг : учебное пособие.- М.: Магистр: ИНФРА – М, 2015.- 72-73 бетлар.
5. Дианова С.Н., Штезель А.Э. Маркетинг сферы услуг: учебное пособие.- М.: Магистр : ИНФРА – М, 2015.- 15-17 бетлар.
6. Лукина А.В. Маркетинг товаров и услуг: учеб. пособие, М.: И-во «Форум», 2012. -240с.
7. Маркетинг спорта. Под ред. Джона Бича и Саймона Чедвика; Пер. С англ.-М.: Альпина Паблишерз, 2017.-706 с.
8. Юсупов М.А., "Хизматлар маркетинги" Дарслик. -Т.: "Иқтисодиёт", 2021.- 356 бет.
9. Юсупов М.А., Эргашоджаева Ш.Дж., Усмонова Д.М., Закирова У.М. Маркетинг. Ўқув қўлланма. -Т.: "Иқтисодиёт", 2021.- 126 бет.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА СЕРВИС СОҲАСИННИГ РИВОЖЛANIШ ҲОЛАТИ

Рахимов Зафар Комилович -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
Институти “Рақамли иқтисодиёт”
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида сервис соҳасининг ривожланиши ҳолати, унинг аҳамияти ва мазмуни ёритиб берилган. Мамлакатимиз аҳолисининг ўсиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда аграр соҳани жадал ривожлантириш ва қишлоқ ҳўксалиги тармогига рақамли технологияларни қўллаш ҳамда уларнинг қатор соҳалар, тармоқлар билан турли кооперация ва интеграцияга киришига асосланиб юқори самарадорликка эришиши республикамиз иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигига эътибор қаратилган. Маълумотлар муаллифнинг қузатишлари ҳамда чет эл адабиётларини таҳлил этиши асосида тузилди.

Ключевые слова: Сервис, хизмат, маҳсулот, инфратузилма, қишлоқ, аҳоли, бандлик, модернизация, технология, рақамли технологиялар.

СОСТОЯНИЕ РАЗВИТИЯ СЕРВИСНОГО СЕКТОРА В СЕЛЬСКИХ МЕСТАХ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

Рахимов Зафар Комилович -
старший преподаватель кафедры
цифровой экономики Самаркандинского
института экономики и сервиса

Аннотация: В статье освещены значение, состояние и тенденции развития сферы сервиса в сельской местности Самаркандской области. Одной из важных задач экономики страны является удовлетворение растущего спроса населения на продукты питания, достижение высокой эффективности на основе стремительного развития аграрного сектора и применения цифровых технологий в сельском хозяйстве и их интеграции и интеграции с количеством отраслей. Данные основаны на наблюдениях авторов и иностранной литературе, в которой приведена соответствующая информация.

Ключевые слова: Сервис, услуга, продукт, инфраструктура, село, население, занятость, модернизация, технологии, цифровые технологии.